



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ



2024 йилда эришилган натижалар
юзасидан ахборотнома

Ташаббусли
бюджет
жараёнлари



ВАКОЛАТЛИ ОРГАН

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги



АМАЛГА ОШИРИШ ПЛАТФОРМАСИ

“Очиқ бюджет” ахборот портали (openbudget.uz)



АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЙИЛЛАР

2021 бошлаб ҳозирга қадар



ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Аҳолини бюджет жараёнларига кенг жалб қилиш орқали уларда бюджет саводхонлигини ошириш, ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш.



УМУМИЙ АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒ

2021-2024 йилда жами 14 трлн сўм (1,1 млрд доллар),
шундан 2024 йилда 6,2 трлн сўм (492 млн доллар)



АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР СОНИ

2021-2024 йилда жами 16 мингта,
шундан 2024 йилда 5337 та



2024 йилда Ташаббусли бюджет жараёни доирасида фуқароларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида амалдаги тартибга бир қатор ўзгартиришлар киритилди:

■ “Бир фуқаро – бир овоз” тамойили жорий этилди;

■ “Менинг йўлим” лойиҳаси Ташаббусли бюджет жараёни биринчи мавсуми билан қўшиб ўтказилиши белгиланди;


■ мажбурий овоз беришга жалб этиш ҳамда овозларни “сотиб олиш” ҳолатларини камайтириш мақсадида **овоз бериш босқичи 10 кунга** камайтирилди;

■ Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари ваколатини кенгайтириш мақсадида – уларга туман (шаҳар) бюджети қўшимча маблағлари ҳисобидан **қўшимча ғолибларни эълон қилиш** ҳамда мажбурий овоз тўпланган лойиҳаларни **бекор қилиш** ваколати берилди.

2024 йилда Ташаббусли бюджет амалиётига жорий этилган янгиликлар



2021-2024 йилларда Ташаббусли бюджет учун ажратилган маблағлар тенденцияси



2024 йилда туман (шаҳар)лар бюджетидан ажратилган маблағлар

Туман/шаҳар сони: Ажратилган маблағ:

29 та

15 млрд
сўмгача

44 та

15–25 млрд сўм
оралиғида


105 та

25–40 млрд сўм
оралиғида

30 та

40 млрд
сўмдан
юқори

Жами – 208 та



Бунда, 2024 йилда ажратилган маблағлар хажми ошиши ҳисобига бир туман ёки шаҳарда ғолиб лойиҳалар сони 2023 йилга нисбатан ўртача 6-8 тадан 13-15 тагача ўсиши қайд этилди.

2024 йилда ҳудудларда қайд этилган кўрсаткичлар



Лойиҳа
сони жами

52 255



Овозлар
сони

20,8 млн




Иштирок этган
маҳалла сони

9 447 (100%)




шундан, "оғир"
маҳаллалар

1052




Овозлар сони бўйича энг фаол ТОП-5 туманлар:

Янгиобод тумани
Пахтачи тумани
Бандихон тумани
Янгибозор тумани
Яккабоғ тумани




2024 йил мавсумлар кесимида

2024 йил 1-мавсум
натижалари



2024 йил 2-мавсум
натижалари



■ Берилган овозлар сони
■ Лойиҳалар сони

Ғолиб лойиҳалар сони

2 818 та — **75 %**

Ғолиб лойиҳалар
тўплаган овоз сони

8 757 минг

Жами овозлар сонидаги улуши

75 фоиз



1 950 та
7 222 минг

80 фоиз



80 %

Ташаббус билдирган фуқаролар



Эркаклар улуши – **56%**
Аёллар улуши – **44%**

18-30 ёшгача – **28%**
30-50 ёшгача – **56%**
50 ёшдан юқори – **16%**



2024 йилда ғолиб бўлган лойиҳалар



Ички йўллар
1686



Умумтаълим
мактаби 1837



Бошқалар 165

Кўча
чироқлари
118

4 768*
жами

Ичимлик суви
таъминоти 51

Тиббиёт
ташкilotи 773


Мактабгача
таълим 138



*2023 йилда 1500 дан ортиқ овоз тўплаб ғолиб бўлмаган лойиҳалар учун қўшимча аратилган 457 млрд сўм маблағ билан бирга жами **6,2 трлн сўм** йўналтирилди.


Маҳаллалар иштироки

2024 йилда ғолиб бўлган маҳаллалар сони




3 367
жами ғолиб
маҳалла сони

Ғолиб бўлган
маҳаллалар улуши:




2024 йилдан бошлаб “Ташаббусли бюджет” доирасидаги лойиҳаларни ташаббускорлар ва маҳалла раисларининг иш сифати юзасидан розилиги олинганидан кейин фойдаланишга қабул қилиш тартиби жорий этилди.

Ташаббускорлар томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг баҳоланиши:



Лойиҳаларнинг ташаббускорлар ва маҳалла раислари томонидан қабул қилиб олиниши:
(2025 йил 1 январ ҳолатига)



Лойиҳалар
ижроси
юзасидан
Жамоатчилик
назорати
ўрнатилган



2024 йилда жорий этилган янги лойиҳалар: “Менинг боғим” лойиҳаси

2024 йилдан бошлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг **камида 50 фоизи** “яшил боғ” ва “яшил жамоат парклари”ни ташкил қилиш учун “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилган **“Менинг боғим” лойиҳаси доирасида** йўналтирилиши жорий этилди.

“Менинг боғим” тадбирларининг илк мавсумида **789 та лойиҳа** илгари сурилган бўлса, шундан умумий суммаси **52,0 миллиард** сўмни ташкил қилган **215 та лойиҳа** энг кўп овоз олган ҳолда ғолиб деб топилди.



2024 йилда жорий этилган янги лойиҳалар: “Менинг боғчам” лойиҳаси

2025-йилдан бошлаб мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга (инвестиция дастури доирасида) ажратиладиган маблағларнинг **50 фоизи** жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларга йўналтирилиши белгиланди.

Бунда:

аҳолининг демографик ҳолати ва эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда, ҳудудлар кесимида лойиҳалар рўйхати манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан шакллантирилди ҳамда **“Очиқ бюджет” ахборот порталига** жойлаштирилди;

жамоатчилик томонидан **энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар** ҳар бир ҳудуд учун тақсимланган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш **дастури лойиҳасига** киритилади.



2024 йилда жорий этилган янги лойиҳалар: “Менинг мактабим” лойиҳаси

2024 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37 сонли Фармонида асосан Ёш авлодда бюджет жараёни юзасидан тушунчаларни дастлабки босқичлардан шакллантириш ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб барча мактабларда “Менинг мактабим” жараёнини ўтказиш жорий этилди.

Жорий йилнинг декабр ойида ушбу жараён учун ҳар бир ҳудуддан биттадан туман (шаҳар)да ҳар бир мактаб учун 50 млн сўмдан маблағ ажратилиб синов тариқасида ўтказилди.

2025-2026 ўқув йилидан бошлаб барча мактабларда “Менинг мактабим” жараёнини ўтказиш режалаштирилган.

Бунда ҳар йили умумтаълим мактабларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробари (56,3 млн сўм) миқдорида маблағ ажратиш ҳамда октябр-ноябр ойларида лойиҳаларни шакллантириш ва овоз бериш жараёнларини ўтказиш назарда тутилмоқда.



2024 йилда жорий этилган янги лойиҳалар: “Маҳалла бюджети” тизими

2024 йилдан бошлаб республика бўйлаб барча маҳаллаларда “Маҳалла бюджети” тизими татбиқ этилди. Бунда ҳар бир маҳаллада жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоиз қисми маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун йўналтирилиши белгиланди.

“Очиқ бюджет” ахборот порталида “Маҳалла бюджети” саҳифаси ишга туширилиб, бунда ҳар бир маҳаллада шаклланган маблағлар юзасидан маълумотларни реал-вақт кўринишида кузатиб бориш имконияти яратилди.

“Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғарма”ларида 2024 йилда жами 382,7 млрд сўм маблағ шаклланди.



2024 йилда “Маҳалла бюджети” тизими доирасида маҳалла биноларини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 62,4 млрд сўм, кўча чироқлари учун 12,1 млрд сўм, ободонлаштириш тадбирларига 10,3 млрд сўм ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш харажатлари учун 7,8 млрд сўм йўналтирилди.

ОАВ Ташаббусли бюджет хақида

Кўрсатувлар
сони

864

Жами ёритилган
постлар сони

1500+



Жараённи фаол ёритган
оммавий ахборот воситалари



газета.uz



Лойиҳани такомиллаштириш ҳамда аҳоли
ўртасида фаол тарғиб қилишда ҳамкорлик
қилган блогер ва журналистлар:



"Xushnudbek.uz"



"bakiroo"



"Muhrim"



"Uzbekonomics"



Behzod
Hoshimov



"davletov"

Халқаро мутахассислар билан ҳамкорлик



«Республика Узбекистан подходит к следующей своей странице развития инициативного бюджетирования – начинается история вовлечения школьников в бюджетный процесс, приобщение их в решение общешкольных вопросов. Это логичный путь развития, позволяющий расширить масштабы инициативного бюджетирования и дающий значительные эффекты, прежде всего, на образовательную, затем и на бюджетную сферы»,


– отметил **Владимир Вагин**, руководитель Центра инициативного бюджетирования НИФИ Минфина России.



Халқаро ҳамкорлик: Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш

Марказий Осиё, Россия ва Кавказ мамлакатлари вакиллари иштирокида “Ташаббусли бюджетлаштириш: биргаликда ривожланамиз” мавзусида давра суҳбатида иштирок этилди.

Россия Федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ходимлари тақдимот билан иштирок этди.



Халқаро амалиёт: Тажриба алмашиш



Бишкек, 2024 йил 14 ноябр

Қирғизистон Республикасида 2024 йилнинг 14-15 ноябр кунлари бўлиб ўтган «Цифровой форум: от видения к реагированию на голоса граждан» Форумида иштирок этилди.

Бунда мутахассислар томонидан “Ўзбекистонда жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти” мавзусида тақдимот билан иштирок этилиб, ушбу йўналишда орттирилган миллий тажрибамиз Ўрта Осиёлик мутахассисларнинг катта қизиқишини уйғотти.

Халқаро амалиёт: Тажриба алмашиш



Олмата, 2024 йил 16 октябр

Қозоғистон Республикасининг Олмаота вилоятида бўлиб ўтган “Марказий Осиёда ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти: қийинчиликлар ва истиқболлар” мавзусидаги конференцияда иштирок этилди.

Бунда “Ўзбекистонда жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти” мавзусида тақдимот қилинди.

Мутахассисларнинг малакаси оширилди



Россия Федерациясининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган “Ташаббусли бюджетлаштириш” мавзусидаги ўқув семинарда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ходимларининг малакаси оширилди.

Россия Федерацияси Молия вазирлиги ҳузуридаги Молиявий илмий-тадқиқотлар институти (НИФИ) эксперт мутахассислари ҳамда туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимлари иштирокида семинар ўтказилди.



АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРДАН НАМУНАЛАР



Қорақалпоғистон Республикаси
Қўнғирот тумани Элобод МФЙ

Сунъий қопламали мини стадион қуриш.
Ажратилган маблағ – **700 млн сўм**
Берилган овоз сони – **561 та**



Жиззах вилояти Зарбдор
тумани

2-сон мактабга спорт зал қуриш.
Ажратилган маблағ – **1 360 млн сўм**
Берилган овоз сони – **3 354 та**



28/10/2024 15:38

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРДАН НАМУНАЛАР



Сирдарё вилояти Оқолтин
тумани “Кўркам-диёр” МФЙ

Пиёдалар учун кўприк қуриш лойиҳаси
Ажратилган маблағ – 400 млн сўм
Берилган овоз сони – 1 216 та



Сурхондарё вилояти Қизириқ
тумани Зарбдор маҳалласи

Ички йўлларини таъмирлаш.
Ажратилган маблағ – 1 360 млн сўм
Берилган овоз сони – 3 480 та



АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРДАН НАМУНАЛАР



Наманган вилояти Косонсой тумани

“Ободон” оилавий шифокорлик пунктини мукаммал таъмирлаш.
Ажратилган маблағ - 1 300 млн сўм
Берилган овоз сони - 2 363 та



Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани

Ахборот-кутубхона марказига янги бино қуриш.
Ажратилган маблағ - 1 200 млн сўм
Берилган овоз сони - 1 112 та



АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРДАН НАМУНАЛАР



Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани

31-сон давлат мактабгача таълим ташкилотига қўшимча бино қуриш.
Ажратилган маблағ - 1 320 млн сўм
Берилган овоз сони - 2 633 та



Қашқадарё вилояти Кўкдала тумани Наймансарой МФЙ

Электр таъминотини яхшилаш.
Ажратилган маблағ - 1 360 млн сўм
Берилган овоз сони - 3 223 та



Лойиҳалар ижроси Олий давлат органларининг назоратида



Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ташкил этилган штаблар томонидан ҳудудларда Ташаббусли бюджет лойиҳалари ижроси доимий назорат қилиб келинмоқда



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасида йил якунларига кўра ташаббусли бюджетда ғолиб бўлган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳолати муҳокама қилинди.

<https://senat.uz/events/post-2993>

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Манзил: Ўзбекистон, 100017, Тошкент ш., Истиқлол кўчаси 29

Ахборот хизмати: +998(71)203-50-50 (ички рақам 01143, 01144)



"Ташаббусли бюджет – бу
халқ бюджети"

Ш.Мирзиёев